Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI · ХДП

• 2014-yil, 4-yanvar. Shanba • 2 (31.749) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

# Ҳар гўдак — мўъжиза, қувонч, келажак!

Фарзандли бўлиш ҳар бир ота-она учун энг қувончли, энг бахтли воқеа ҳисобланади. Янги йил оқшомида фарзанд кўриш эса байрам устига байрам, қувонч устига қувонч!..



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

— Туғуруқхонамизда ўтган йили жами 3927 нафар соғлом бола дунё юзини кўрди, — дейди **Тошкент шаҳар 7-сонли туғуруқхона мажмуаси Бош шифокори, ЎзХДП аъзоси Раъно Мирхожаева.** — Улардан эгизаклар сони 33 тани ташкил этади. **31 декабрь куни эрта тонгдан тунги соат 24:00 гача 15 нафар чақалоқ дунёга келди. Улардан 6 таси қиз, 9 таси ўғил бола. 24:00 дан сўнг эса, яъни, Янги йил киргач, эрталабгача 2 нафар чақалоқ дунёга келди. Биттаси ўғил, биттаси қиз.** Биз шифокорлар шундан хурсандмизки, гўдакларимизнинг барчаси соғлом, оналари ҳам ўзларини яхши ҳис этмоқда. Илоҳим, дунёга келган ҳар бир фарзандни умри ва бахти билан берган бўлсин.

Соғлом болалар Давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг ёрқин натижасидир. Бугунги кунда она ва бола саломатлигини сақлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилимизни «Соғлом бола йили» деб эълон қилинишининг ўзиёқ, келажак ворисларимизга қанчалик катта эътибор қаратилаётганидан далолат. Шуни ҳам айтиш керакки, ўтган йилда оналар ўлими умуман кузатилмади. Қизларимизнинг ёшига етмасдан турмушга чиқиб ҳомиладор бўлиши ҳам кескин камайди, яъни деярли кузатилмади. Буларнинг барчаси аҳолимиз тиббий маданияти юксалиб бораётганини кўрсатади.

— Фарзандим Янги йил кириб, орадан бир соат ўтгач, дунёга келди, — дейди Зиёда Шарипова. — Президентимиз 2014 йилни «Соғлом бола йили» деб эълон қилган кун ҳеч ҳам ёдимдан чиқмайди, турмуш ўртоғим хурсанд кайфиятда худо хоҳласа, Соғлом бола йилида соғлом фарзанд кўрамиз деб айтганди. Мана ниятлари холис экан, тўрт мучаси соғ, соғлом қизчали бўлдик.

— Байрам куни бўлса ҳам хизмат сафарида эдим, — дейди Музаффар Шарипов. — Қўнғироқ бўлди. Хушхабарни эшитиб, қанчалик қувонганимни сўз билан таърифлаб бера олмайман. Янги йил куни фарзандли бўлишнинг завқи ўзгача экан. Яхши ният билан исмини Насиба қўймоқчимиз...

Янги йил оқшомида фарзандли бўлган барча ота-оналарни қутлаймиз. Соғлом бола йилида туғилган барча болалар соғлом ва бахтли бўлсин!

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

Янгилик

## Тошкент шаҳрида

### автобусларнинг бекатга қачон келишини интернет орқали билиб оласиз

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 9 октябрдаги **«Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори ижроси таъминланмоқда.

Пойтахтимизда йўловчи ташиш транспорти тизимига жамоат транспорти қатнови графиклари ва интервалларига қатъий риоя этишни таъминлайдиган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, қатнов устидан «Он-лайн» тартибида масофадан туриб назорат қиладиган (GPS) тизимлари «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик компанияси томонидан жорий этилди.

Унга кўра www.via.uz сайти орқали автобусларни бекатларга қанча вақтда етиб келиши ва қанча масофа узоқдалигини билиб оласиз. Бунинг учун аввало сайтдан рўйхатдан ўтиш лозим. Шундан сўнг керакли автобус рақамини йўналишингиз бўйлаб танлаб, ўзингиз турган бекат номини кўрсатишингиз лозим. Ўша йўналишдаги автобуслар сизнинг бекатингизга давлат рақами кўрсатилган тартибда, қанча вақтда етиб келиши ҳақида маълумот экранда пайдо бўлади.

Ҳозирги вақтда сайтга саккиз йўналишдаги автобуслар рўйхати киритилган. Тез орада барча йўналишлардаги автобусларнинг исталган бекатга қачон ва қай вақтда етиб келишини билиш имконияти яратилади.

**Шуҳрат ИСЛОМОВ**

Тадбир

## Кўзларида шодлик, ҳаяжон

Республика Ички ишлар вазирлигига қарашли Маданият саройида ҳар йили Янги йил байрами катта тантана билан ўтказилади.

Хизмат вазифасини бажараётган вақтда ҳалок бўлган осойишталик посбонларининг оилалари ҳамда уларнинг фарзандлари учун ташкил этилган мазкур тадбирда турли ўйинлар ва театрлаштирилган томошалар кўрсатилди.

— Фарзандларим янги йил кириб келиши билан арча ясатишни бошлашади, — дейди Феруза Қурбонова. — Ҳозир болажонларнинг қалбига қулоқ солсангиз қувончга тўлиб-тошган сўзларини эшитишингиз мумкин. Бундай тадбирлар ҳар бир болани оталари каби мард ва ватанпарвар бўлиб вояга етишига замин яратади.

— Янги йил байрами ҳар йили ўзига хос, бир-бирига ўхшамайдиган тарзда бўлади, — дейди тадбир қатнашчиси Беҳруз Қурбонов. — Янги йилни қувонч, шодлик улашгани учун яхши кўраман. Одамлар бу байрамда бир-бирига яхши ниятларини айтади. Айниқса, кўчаларимизни безаб турган турли хил арчалар байрамга янада ўзгача руҳ бағишлаяпти.

Тадбир давомида болаларга байрам дастурхони ёзилиб, эсдалик совғалари топширилди.

**Ўз мухбиримиз.**

ЎзХДП: «Фаол аёллар» қаноти

Қачон оила бахтли бўлади? Қачонки, аёл бахтли бўлса. Қачон аёл бахтли бўлади? Аввалambор, унинг болалари, оила аъзолари, турмуш ўртоғи соғ-омон бўлса. Қачон аёл ҳаётдан рози бўлади? Қачонки, оиласи тинч, рўзғори фаровон бўлса, эртанги кунидан кўнгли тўқ бўлса...

## Соғлом авлод

### *соғлом оилада камол топади*

Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида айтган бу фикрлар ҳаммамизни оилани қадрлашга, аёлни эъзозлашга яна бир бор даъват этади.

Ҳақиқатан ҳам аёлнинг бахту саодати, ҳаётидан мамнунлиги аввало, оила мустаҳкамлигига, фарзандлар камоли ва саломатлигига боғлиқ. Шу боис мамлакатимизда хотин-қизларни эъзозлаш, оғирини енгил қилиш, улар яхши яшаши, меҳнат қилиши учун муносиб шароитларни яратиш, оиладаги ва жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

► *Давоми 2-бетда.*

Ижтимоий ҳимоя

## ҲАР БИР БОЛА

### илм олишга, дунёни билишга ҳақли

Ҳаётда шундай ҳоллар бўладики, тақдир тақозоси билан айрим болаларнинг жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонлар кўзга ташланади. Бундай болаларни соғломлаштириш, уларга зарур таълим-тарбия бериш, жамиятга қўшилиб кетишига ёрдамлашиш — долзарб масала. Шунинг учун Халқ таълими вазирлиги тизимидаги имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган муассасаларда (мактаб, мактаб-интернатлар) уларга мослаштирилган тарзда таълим-тарбия бериладди. Зеро, дунёга келган ҳар бир бола илм олишга, дунёни билишга, орзу-ният қилиб, унга эришишга, муносиб ҳаёт кечиришга ҳақли. Бу инсоннинг энг олий ҳуқуқидир.

► *Давоми 3-бетда.*

Муносабат

## Ижтимоий ҳимоя янада мустаҳкамланади

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади аввало инсон манфаатига, халқимиз ҳаётини изчил фаровонлаштириб боришга қаратилган. Ана шу эзгу ишлар бугун ўз самарасини бермоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табригини тинглаб, бунга яна бир бор амин бўлдик. Табрикда **2013 йилда аҳолимизнинг реал даромадлари 15,7 фоизга, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори 20,8 фоизга ўсгани, инфляция даражаси 6 фоиздан ортмагани таъкидланди. Шунингдек, бозор ва дўконларимиз тўкин-сочин бўлиб, кўзни қувонтираётгани, нарх-наво меъёрдан ошмагани — буларнинг барчаси халқимизнинг ҳаёт даражаси юксалиб бораётганининг яққол далили экани эътироф этилди.**

► *Давоми 2-бетда.*

## Янги йил янги уйларда кутиб олинди

2013 йилнинг ўн бир ойида Қизириқ туманида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган 45 та уй фойдаланишга топширилган эди. Янги йил байрами арафасида эса яна 10 оила янги уйларга кўчиб ўтди.

Обод турмуш йилида Ангор туманида 40, Шерободда 111, Музработда 30, Жарқўрғонда 45, Деновда 145 та ана шундай уй-жойлар қад ростлади. Бойсун, Шўрчи, Сариосиё, Олтинсой туманларида ҳам аҳоли кўплаб замонавий турар-жойларга эга бўлди.

— Яқингача маҳалламиз ҳудудининг шу қисми ташландиқ жойлар эди, — дейди Кармаки маҳалласи фаоли Хушбоқ Ҳасанов. — Энди эса бу ер қишлоғимизнинг энг хушманзара гўшасига айланди. Бу кўркам уйлар одамларимиз турмуш шароитини яхшилаш билан бирга, уларнинг кайфиятини кўтариб, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

— Ўтган йил ҳаётимизда чуқур из қолдирди. Биз 4 хонали уйга кўчиб ўтдик, — дейди Шарофат Абдураҳмонова. — Бундай шинам уйларда яшаш фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол инсон сифатида тарбиялашга хизмат қилади.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

## Ҳуқуқий эксперимент

2013 йилнинг энг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеаларидан бири сифатида мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги даврини бошлаб берди




www.uzbekistonovozi.uz



## ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

### Ассалому алайкум, ҳурматли газетхон!

Янги йилда сиз билан яна дийдорлашиб турганимиздан мамнунмиз. Газетамизга обуна бўлганингиз учун миннатдорлик билдирамиз. Биз яна йил бўйи сизга қадрдон дўст, яқин ҳамроҳ ва сирдош бўлишга, ишончингизни оқлашга ҳаракат қиламиз.

Газетага обуна бўлган киши уни ўз вақтида олиб ўқишни истайди, албатта. Газетамиз уйингиз ёки ишхонангизга ўз вақтида етиб боришига почта бўлимлари билан биргаликда биз ҳам масъулмиз. Ушбу масалада бирор муаммо бўлса, таҳририятимизга дарҳол қўнғироқ қилишингиз ёки ёзма равишда хабар беришингизни сўраймиз.

Тел: 233-65-45, 233-81-97.
Факс: 233-65-45
Электрон почта: e.mail: info@uzbekistonovozi.uz

## Келгуси сонларда:

Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда партия ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмаларининг устувор вазифаларига бағишланган амалий семинар ўтказди.

***Унинг тафсилоти билан газетамизнинг келгуси сонларидан бирида танишасиз.***

**ЎзХДП: «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ**

*Шунингдек, ҳамкор ташкилотлар билан бирга 5150 нафар хотин-қиз бепул тиббий кўрикдан ўтказилиб, касаллиги аниқланган 623 нафар аёлга даволаниш учун йўлланма берилди.*

# Соғлом авлод

## *соғлом оилада камол топади*





ЎзХДП Марказий Кенгаши «Фаол аёллар» қаноти Тошкент шаҳар партия кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этган амалий семинарда ана шу фикрлар кенг муҳокама этилди. Тадбир **«Мустаҳкам оила — жамият таянчи»** лойиҳаси доирасида ташкил этилди.

**Гулшан АСАТОВА,**
**ЎзХДП Марказий Кенгаши Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори мудири:**

— Оналик ва болаликнинг давлат томонидан муҳофаза қилиниши Конституциямизнинг 65-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Оила Кодексининг 4-моддасида она ва бола манфаатларини муҳофаза қилиш, аёлларнинг меҳнати ва соғлигини сақлашга доир махсус чоралар кўриш, аёлларга қулай меҳнат шароити яратиш, оналик ва болаликни ҳуқуқий ҳимоялаш белгиланган.

Бу ишлар самарадорлигини оширишда биз ҳам фаол иштирок этишимиз талаб этилади.

Давлатимиз раҳбари Соғлом бола йили давлат дастурини ишлаб чиқишда ҳам биринчи навбатда, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилаларда соғлом муҳитни кучайтириш, уларнинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш каби масалалар эътиборимиз марказида бўлиши лозимлигини алоҳида уқтирди. Шундан келиб чиқиб фикрлайдиган бўлсак, Соғлом бола йилида «Фаол аёллар» қаноти зиммасида ҳар қачонгидан катта ва масъулиятли вазифалар турганини англаймиз.

Аввало, 2014 йилни «Соғлом бола йили» деб эълон қилинишидан кўзланган мақсадни хотин-қизларимиз ўртасида кенг тарғибот қилишимиз лозим. Иккинчидан, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш борасида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтиришимиз, аниқ режа асосида ҳаракат қилишимиз талаб этилади.

Аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, улар ўртасида касаначиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари устида кўпроқ изланишимиз керак бўлади.

> **!** **Ижтимоий нафақаларнинг манзиллилигини таъминлаш юзасидан жамоатчилик ва депутатлик назорати ўрнатилди ҳамда ижтимоий нафақа олишда турли муаммоларга дуч келган 70 дан ортиқ оилага ёрдам кўрсатилди.**

◄ *Давоми. Боши 1-бетда.*

**Муқаддас РАҲМАТУЛЛАЕВА,**
**Шайхонтоҳур туманидаги 44-оилавий поликлиника бош шифокори, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати:**

— Соғлом оилани шакллантириш кўпқиррали ва доимий эътибор талаб қиладиган масала. Бунинг учун, аввало, соғлом бола тарбиясини тўғри йўлга қўйиш керак. Фарзандларимиз боғча ёшидан бошлаб спортга жалб қилинса, соғлом ва бақувват бўлиб вояга етади.

Юқорида оилада тиббий маданиятни шакллантириш лозимлиги ҳақида тўғри айтилди. Дарҳақиқат, мактабларда, маҳаллаларда тиббиёт ходимлари иштирокида тиббий саводхонлик дарсларини тизимли равишда юқори савияда ташкил этиш ҳам болалар саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бунинг учун тиббиёт ходимлари ва жамоат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамжиҳатликда иш олиб бориши зарур. Шунингдек, маҳаллий Кенгаш депутатлари ўз округларида таълим муассасалари, маҳаллалар ва оилавий поликлиникалар фаолиятига кўпроқ эътибор қаратса, муаммо ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилади.

**Гулчеҳра АЗИЗОВА,**
**«Фаол аёллар» қаноти Тошкент шаҳар бўлими етакчиси:**

— Ўтган йили «Мустаҳкам оила — жамият таянчи» лойиҳаси доирасида пойтахтимиздаги 50 га яқин маҳаллада давра суҳбати ва семинарлар ўтказдик. Натижада 100 нафарга яқин хотин-қиз иш жойига эга бўлишига кўмаклашилди. Ижтимоий нафақаларнинг манзиллилигини таъминлаш юзасидан жамоатчилик ва депутатлик назорати ўрнатилди ҳамда ижтимоий нафақа олишда турли муаммоларга дуч келган 70 дан ортиқ оилага ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, ҳамкор ташкилотлар билан бирга 5150 нафар хотин-қиз бепул тиббий кўрикдан ўтказилиб, касаллиги аниқланган 623 нафар аёлга даволаниш учун йўлланма берилди.

**Вилоят ХУДОЙБЕРДИЕВА,**
**Чилонзор туманидаги «Бешёғоч» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, «Фаол аёллар» қаноти туман бўлими етакчиси:**

— Хотин-қизларнинг бандлик даражасини оширишда ўзига хос ёндашувни шакллантириш лозим. Масалан, «Мустаҳкам оила — жамият таянчи» лойиҳаси доирасида ташкил этилган тадбирлар орқали кўплаб хотин-қизлар ўз ишини йўлга қўйиб, оилавий даромадини оширяпти. Оиладаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар бартараф этилаяпти. Демак, биз хотин-қизлар ва ёшларни касаначилик, уй меҳнати, оилавий тадбиркорликка кенг жалб этишга қаратилган янги лойиҳаларни кўпайтиришимиз керак.

*Давра суҳбати давомида «Фаол аёллар» қаноти аъзолари ўзларини қизиқтирган саволлар билан соҳа мутахассисларига мурожаат қилишди. Анжуман сўнггида соғлом болани вояга етказиш бўйича ижтимоий шерик ташкилотлар билан ҳамкорликда бажариладиган дастлабки вазифалар белгилаб олинди.*

**Лазиза ШЕРОВА,**
**«Ўзбекистон овоз» мухбири.**

**МУНОСАБАТ**

*Мамлакатимизда ҳар учта оиланинг биттаси шахсий енгил автомобилга эга, ҳар 100 та оилага ўртача 80 та музлатгич, 146 та телевизор тўғри келмоқда...*

# Ижтимоий ҳимоя янада мустаҳкамланади

Дарҳақиқат, халқимиз фаровонлиги тобора ошиб бораётганига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бугунги кунда мамлакатимизда ҳар учта оиланинг биттаси шахсий енгил автомобилга эга, ҳар 100 та оилага ўртача 80 та музлатгич, 146 та телевизор тўғри келмоқда. Аҳолининг кир ювиш машинаси, пилесос, микротўлқинли печ, шахсий компьютер ва бошқа зарур воситалар билан таъминланиш даражаси ортиб бораётганининг ўзиёқ ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун, унинг манфаати, фаровон ҳаёти учун деган тамойил кундалик турмушимизда ўзининг қанчалик чуқур ифодасини топиб бораётганини яққол кўрсатади.

Янги йилни қарши олар экан, ҳар бир одам ўзининг ўтган умрини сарҳисоб қилади, ютуқларини эътироф этиб, камчиликларидан тўғри хулоса чиқаришга ҳаракат қилади. Агар мамлакатимиз миқёсида оладиган бўлсак, эришган ютуқларимиз жуда кўп. Уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтишнинг сира иложи йўқ. Олдимизда эса янада улкан марралар, масъулиятли вазифалар турибди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ислоҳотларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш, аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатлами манфаатини ҳимоя қилиш учун курашар экан, Соғлом бола йилида партиянинг барча даражадаги ташкилотлари ҳамда депутатлари зиммасига янада катта масъулият юкланади.

Соғлом бола — соғлом авлод учун олиб бориладиган курашдан, аввало, бизнинг партия электорати манфаатдор бўлади. Соғлом бола тарбияси билан боғлиқ масалалар кўп жиҳатдан партиямиз дастурий ғояларига мос келади. Шу боис, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз партиянинг Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, қонун ижодкорлиги жараёнида янада фаол қатнашиши талаб этилади. Биз нафақат қонунларда партиямиз электорати манфаатини ифодалашимиз, балки, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган қонун ҳужжатлари ижро этилиши устидан парламент назоратини кучайтириш юзасидан ҳам кўплаб ташаббусларни илгари суришимиз зарур.

Президентимиз табригида Янги йилда ҳам аҳолимизнинг моддий аҳволи янада яхшиланиб, ойлик иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори ўсиши 2013 йилдагидан кам бўлмаслиги ишонч билан таъкидланди. Демак, халқимизни ижтимоий ҳимоялаш, турмуш даражасини босқичма-босқич ошириб бориш бундан кейин ҳам давлат сиёсатининг энг устувор йўналиши бўлиб қолаверади. Бу эзгу, олижаноб мақсадлар ҳаётда ўз ифодасини топишига ҳар биримиз муносиб ҳисса қўшишимиз зарур.

**Мажидхон УСМОНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**ЎзХДП фракцияси аъзоси.**

◄ *Давоми. Боши 1-бетда.*

**ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРИ ВА ПАРЛАМЕНТЛАРИ**

*2013 йилги сайловда Германия либераллари атиги 4,8 фоиз овоз олди.*

# ГЕРМАНИЯ: Социал демократия ғоялари амалга ошаяпти,

## *либерал ғояларнинг тарафдорлари эса камайиб бормоқда*

2014 йилдан Германия ҳукумати янги таркиб билан иш бошлади. Мазкур таркиб 2013 йил сентябрь ойида мамлакат парламентига ўтказилган сайловларда кўпчиликнинг овозига эга бўлган сиёсий партиялар вакилларидан иборат бўлди. Халқаро таҳлилчиларнинг фикрича, сайловчи сиёсий партия илгари сурган ғоя учун ёки партиядан кўрсатилган номзоднинг салоҳиятига ишонгани учун овоз берар экан. Хўш, Германиядаги қайси етакчи партиялар қандай ғояларни олға суриб, сайловчилар ишончини қозонди?



Канцлер Ангела Меркел хонимнинг (у 2013 йил декабрь ойида парламент аъзоларининг кўпчилик овози билан кетма-кет учинчи марта бу лавозимга сайланди) Христиан-демократик/Христиан-социалистик иттифоқи (ХДИ/ХСИ) Германияда олиб борилаётган сиёсатга мувофиқ келадиган ғояларни, яъни ижтимоий масалалардаги ислоҳотларни изчил давом эттиришни таклиф қилди.

Улар, хусусан, мамлакат иқтисодиётидаги мавжуд иш ўринларининг барқарорлигини сақлаб қолиш ва янги иш жойлари очилишига хизмат қиладиган ижтимоий дастурларни амалга ошириш билан боғлиқ эди. Бунда ҳамма иш топиши ва яхши даромад олиши учун шароит яратиб беришга эътибор қаратилди. Ҳар бир фуқаро муносиб даромад топиш имконига эга бўлиши лозим, аммо бунинг эвазига нарх-наво ошиб кетиши керак эмас. Сиёсий иттифоқ таклиф этган энг муҳим ва характерли ғоялардан бири шу бўлди, дейиш мумкин.

Социал демократик партия (ГСДП) ўз ғояларига мос тарзда ижтимоий йўналтирилган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш йўлини танлади. Партия асосий даромади иш ҳақи бўлган ишчи-ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича аниқ таклиф билан чиқди. Ҳар бир ишчи-ходим бир соатлик иш вақти учун энг камида 8,5 евро олиши, қисқа муддатларга тузиладиган меҳнат шартномаларини имкон қадар камайтириш чоралари кўрилиши керак. Таълим мутлақо бепул бўлиши, билим олиш учун барча шароит яратилиши, таълим тизими ривожига инвестиция жалб қилиниши зарур. Энг кам пенсия миқдори 850 евро миқдорида белгиланиши лозим. Банклар инқирозли вазиятга тушиб қолганда, давлат пуллари уларни қўллаб-қувватлашга сарфланмаслиги учун банклар фаолияти устидан давлат назорати бўлиши керак.

Эркин демократик партия либерал ғоялар тарафдори сифатида ишбилармонликка кенг имконият бериш, иқтисодиёт, хусусан, немис саноати янада эркин ривожланиши учун шароит яратиш билан боғлиқ ғояларни олға сурди. Барча хоҳловчилар иккита давлат фуқаролигини қўлга киритиши мумкин. Солиқ тизими иш ҳақига мувофиқ равишда қайта ишлаб чиқилиши лозим. Шаҳарликлар янада эркин бўлиши керак. Ўрта синфнинг молиявий юки камайтирилиши, бойларга катта солиқ солинмаслиги муҳим аҳамиятга эга.

Айтиш керакки, Германияда бу галги парламент сайловларида 30 дан ортиқ сиёсий партия ва блоклар қатнашди. Уларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб ўтишнинг иложи йўқ, албатта. Шунинг учун асосан сўнгги йилларда Германия ҳукуматини шакллантиришда бевосита иштирок этиб келаётган ва парламентда кўпроқ ўринни қўлга киритаётган иттифоқ ҳамда партияларнинг сайловолди дастурларига эътибор қаратдик. Қолаверса, парламент сайлови натижалари шунга туртки бўлди.

Парламент сайловида ХДИ/ХСИ 41,5 фоиз овоз олди ва бу парламент, яъни Бундестагдаги 630 депутатлик ўрнидан 311 тасига эгалик қилиш имконини берди. ГСДПга 25,7 фоиз сайловчи ишонч билдирди. Бу парламентдаги 192 та депутатлик ўрнини социал демократлар олишини англатди. «Сўллар» партияси 8,6 фоиз, «Иттифоқ 90» ва «Яшиллар» биргаликда 8,4 фоиз овоз олди.

ХДИ/ХСИ қайд этган натижа 2009 йилги сайловдагидан яхши бўлишига қарамай, парламентда кўпчиликни ташкил этиш, яъни ҳукуматни шакллантириш имконини қўлга олиш учун етарли бўлмади. Иттифоқ 2009 йилда ҳам парламентда кўпчиликни ташкил этиш учун бошқа бирон партия билан келишишга — коалиция тузишга мажбур бўлганди. Ўшанда Иттифоқ Эркин демократик партия билан бир келишувга келганди. Аммо 2013 йилги сайловда немис либераллари 4,8 фоиз овоз олди. Германия сайлов қонунчилигига кўра, бу натижа мамлакат парламентига кириш ва фракция тузиш учун етарли эмас (бунинг учун партияни камида 5 фоиз сайловчи қўллаб-қувватлаши керак). 2009 йилда Бундестагда 93 депутатлик ўрнига эгалик қилган либерал партиядан 2014 йилдан янги таркиб билан иш бошлаган парламент аъзолари ичида бирон вакил йўқ. Охирги сайлов Германияда либерал ғояларни қўллаб-қувватловчилар сафи тобора камайиб бораётганини кўрсатиб қўйди.

Шунинг учун ХДИ/ХСИ аввалги шеригини қўйиб, сайловда ўзидан кейинги энг яхши натижага эришган ГСДП билан муросага келди. Партиялар вакиллари кейинги тўрт йилликда Германия ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини ўзаро келишиб олиш учун узоқ муҳокамалар ўтказди. Шундан сўнг Германия тарихида учинчи марта «Катта коалиция» тузилди. Бу сайловда кўпчилик овозини олган иккита партия ҳукуматни бошқаришини, Германияда ижтимоий ҳимояни кучайтиришга асосланган ғоялар амалга ошишини англатади.

Халқаро таҳлилчилар ХДИ/ХСИ ва ГСДПнинг муросага келишида уларнинг сайловолди дастурларидаги айрим мувофиқликлар ҳам ўзига хос ўрин тутганини айтишмоқда. Масалан, ХДИ/ХСИ сайлов олдидан оилали ишчи-ходимлар фарзандлари ва умр йўлдоши учун кўпроқ вақт ажратиш имконига эга бўлиши кераклигини, уй-жой қуриш ва сотиб олиш учун кам даромадлиларга енгилликлар беришни таклиф қилган бўлса, ГСДП ёш болали ота-оналар учун иш вақтини қисқартириш, кам даромадли оилалар фарзандларига нафақа пулларини кўпайтириш тарафдори бўлганди.

Бу йилдан Германия ҳукуматини шакллантирган аъзолар ХДИ/ХСИ ва ГСДПнинг сайловолди дастурларини ўзаро мувофиқ шаклда амалга оширади.

**Сайфулла ЭШБОБОЕВ**

**БИЗНИНГ ДЕПУТАТ**

*Таҳлил натижалари 100 дан ортиқ йўналишсиз такси лицензиясиз фаолият юритаётганини кўрсатди.*

# Бош мақсадимиз

## — одамлар ишончини оқлаш, мамлакатимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиш

Янги йилни кутиб олар эканмиз, ўтаётган йилда амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилиб, янги режалар ҳақида ўйлаймиз. Янги куч, янги ғайрат, янги умидлар билан янги йилга қадам қўямиз.

> **Ушбу масала туман Кенгаши сессиясида кўриб чиқилганидан сўнг улар фаолиятини тартибга солиш юзасидан қарор қабул қилинди.**
>
> **Қарор асосида мактаб ўқувчилари, талабалар ва жисмоний имконияти чекланган кишилар учун имтиёзли нархлар жорий қилинди.**

Бугунги кунда халқ депутатлари Боёвут туман Кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳи 10 нафар депутатдан иборат. 2013 йилда депутатлик гуруҳимиз ташаббуси билан икки масала туман Кенгаши сессияси муҳокамасига олиб чиқилди. Аҳолидан тушган мурожаатлар асосида туманимиз марказидан Янгиер ва Гулистон шаҳарларига қатновчи йўналишсиз таксилар фаолияти ўрганилди. Таҳлил натижалари 100 дан ортиқ йўналишсиз такси лицензиясиз фаолият юритаётганини кўрсатди. Ушбу масала туман Кенгаши сессиясида кўриб чиқилганидан сўнг улар фаолиятини тартибга солиш юзасидан қарор қабул қилинди. Қарор асосида мактаб ўқувчилари, талабалар ва жисмоний имконияти чекланган кишилар учун имтиёзли нархлар жорий қилинди.

Шунингдек, туманда коммунал соҳанинг аҳволи, уни ривожлантиришга доир масала ҳам сессия муҳокамасига олиб чиқилди. Айни пайтда бу борадаги қарор ижроси юзасидан ҳам тегишли саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, туман партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига тушаётган мурожаатларни самарали ҳал этиш, бу борада депутатлар ва тегишли ташкилотлар ҳамкорлигини ривожлантириш, бошланғич партия ташкилотлари ташаббускорлигини ошириш борасида ҳам қатор амалий ишлар қилинди.

Бироқ, бу билан бизга юклатилган вазифаларни тўла уддалаяпмиз, дея олмаймиз, албатта. Электорат билан ишлаш, бошланғич ташкилотлар фаоллигини ошириш, ҳудуддаги ижтимоий масалаларни ҳал этиш юзасидан вакиллик ҳокимиятининг назоратини кучайтиришимиз лозим. Конституциямиз қабул қилинганлигининг 21 йиллик байрами тантанасидаги маърузасида Президентимиз билдирган фикрларидан тегишли хулосалар чиқариб олишимиз талаб этилади.

Зиммамиздаги юксак вазифаларни муваффақиятли бажариш учун янада ташаббускор ва қатъиятли бўлишимиз зарур.

**Раббимқул ИБРАГИМОВ,**
**ЎзХДП Боёвут туман кенгаши раиси,**
**халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари.**

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

*Комиссия олий маълумотли, камида 5 йиллик меҳнат стажига эга юқори малакали психолог, педагог-дефектолог, психоневролог, ортопед, оториноларинголог, окулист мутахассислардир*

# ҲАР БИР БОЛА

## *илм олишга, дунёни билишга ҳақли*



Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бор болага таълим-тарбия бериш, даволаш ишларини ташкил этиш оддий вазифа эмас. У биринчи навбатда бир инсоннинг, бир оиланинг тақдири, эртанги куни билан бевосита боғлиқ бўлган ўта жиддий, масъулиятли масала. Шу боис мамлакатимизда мазкур йўналишдаги ишларни қонуний асосда юқори даражада ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари томонидан «Болаларни ихтисослаштирилган муассасаларга (мактаб, мактаб-интернатларга) юбориш бўйича психологик-тиббий-педагогик комиссиялар тўғрисида»ги низом тасдиқланди.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Эндиликда имконияти чекланган болаларни ихтисослаштирилган муассасаларга юбориш бўйича психологик-тиббий-педагогик комиссиялар ташкил этилади. Мазкур комиссиялар Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари ҳузурида тузилиб, жамоатчилик асосида фаолият юритади.

— Комиссия қарорлар қабул қилишда холислик, очиқлик, ошкоралик ва коллегиаллик тамойилларига асосланади, — дейди **Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирилиги Болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва реабилитация қилиш шўъбаси етакчи назоратчиси Азизбек Муталиев.** — Махсус комиссиянинг мақсади 5 ёшдан 18 ёшгача бўлган жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бор болаларни аниқлаш ва уларни ихтисослаштирилган таълим муассасаларига (5-7 ёшдаги болаларни ихтисослаштирилган таълим муассасалари ҳузуридаги тайёрлов гуруҳларига) юбориш учун хулоса беришдан иборат.

Шу кунга қадар комиссия вилоят халқ таълими ва тиббиёт бошқармаларининг қўшма қарорига асосан фаолият юритган. Болаларни имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган муассасаларга (мактаб, мактаб-интернатларга) юбориш бўйича психологик-тиббий-педагогик комиссиялар тўғрисидаги низом тасдиқланиши эса бу борадаги ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлади. Эндиликда комиссия болалардаги нуқсонларни аниқлаш учун ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар иштирокида кўрикдан ўтказади. Бу жараёнда улар билан бевосита мулоқот қилиб, нусқонларни тасдиқловчи ҳужжатлар билан танишади ва яшаш жойидаги шифохона шифокорлари томонидан қўйилган ташхиснинг ишончлилигини ўрганади.

Болаларнинг ривожланишидаги нуқсонларни комплекс равишда текшириш натижалари асосида уларнинг имкониятлари аниқлангач, комиссия уларни тегишли ихтисослаштирилган муассасаларга юбориш учун хулоса беради. Бундан ташқари, болани бир ихтисослаштирилган таълим муассасасидан бошқасига ёки уйғунлашган шароитда таълим олиши учун умумтаълим муассасасига ўтказиш ҳам айнан мазкур комиссия хулосаси орқали амалга оширилади.

Комиссия халқ таълими ҳамда соғлиқни сақлаш бошқармаларининг қўшма қарорига асосан ҳар йили май ойининг 20 санасига қадар тузилади. Унинг таркибига киритилган мутахассис келгуси икки йил мобайнида яна комиссияга аъзо сифатида киритилиши мумкин эмас. (Раис, раис ўринбосари ва котиб бундан мустасно).

> Эндиликда имконияти чекланган болаларни ихтисослаштирилган муассасаларга юбориш бўйича психологик-тиббий-педагогик комиссиялар ташкил этилади. Мазкур комиссиялар Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари ҳузурида тузилиб, жамоатчилик асосида фаолият юритади.

***— Комиссия таркибига қандай мутахассислар киради, деган савол кўпчиликни қизиқтириши табиий, албатта.***

— Низомга мувофиқ, комиссия камида 7 нафар аъзодан иборат бўлади. Унинг таркибига олий маълумотга ҳамда камида 5 йиллик меҳнат стажига эга бўлган юқори малакали психолог, педагог-дефектолог, психоневролог, ортопед, оториноларинголог, окулист каби мутахассислар киритилади. Қоида тариқасида комиссия раиси этиб халқ таълими бошқармаси бошлиғи ёки унинг ўринбосари тайинланади.

***— Шу ўринда яна бир савол туғилади: комиссия хулосасини олиш учун боланинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар қандай ҳужжатларни тақдим этишлари керак ва комиссия уларни қай тартибда кўриб чиқади?***

— Боланинг ота-онаси ёки унинг ўрнини босувчи шахслар томонидан комиссияга ариза, боланинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси, таълим олганлиги тўғрисидаги ҳужжат ҳамда ўқиш жойидан таълимнинг муддати, ўқув фанларини ўзлаштириши ва хулқ-атвори, болага якка тартибда кўмак бериш борасида амалга оширилган чора-тадбирларнинг батафсил таҳлили акс этган маълумотнома ва тавсифнома, шунингдек, унинг ривожланиши тарихидан муфассал кўчирма шифокор томонидан имзоланган ҳолда тақдим этилади.

Комиссия аъзолари томонидан болалар кўрикдан ўтказилиб, нуқсонларни тасдиқловчи ҳужжатларни ўрганиш натижасида жисмоний ёки руҳий нуқсонига қўйилган ташхис ўз тасдиғини топса, уларни тегишли ихтисослаштирилган таълим муассасаларига юбориш юзасидан хулоса берилади.

Комиссия хулосаси боланинг таълим олиши учун махсус шароитларга эга бўлиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат ҳисобланади. Маълумот ўрнида таъкидлаш ўринлики, текширув ўтказилгач, комиссия йиғилиши баённомаси ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга беш кун ичида берилиши шарт.

**«Ўзбекистон овози» мухбири**
**Лазиза ШЕРОВА**
**суҳбатлашди.**

САРҲИСОБ

## *«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК:*

# ИСЛОҲОТЛАР

## *изчил давом этади*

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси бошқаруви раиси ўринбосари Шерзод Исматуллаев 2013 йилда тизимда бажарилган ишлар ва истиқболдаги режалар ҳақида қуйидагиларни гапириб берди.

— Ўтган 2013 йилда компаниянинг темир йўл бекатларидан 82,9 млн. тонна юк жўнатилиши таъминланди. Юк айланмаси ҳажми 22 688 млн. тонна км.ни ташкил этди. Йўловчилар айланмаси ҳажми 3685 млн. йўловчи км.ни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104.5 фоизга бажарилди. Ушбу даврда юқори тезликда ҳаракатланувчи «Afrosiyob» поездида 154,8 минг нафар йўловчи ташилди.

Туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган давлат дастурлари ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКда мажмуавий туристик хизматлар кўрсатиш, сайёҳ йўловчиларни ташиш назарда тутилган.

> **Худди шу мақсадда «Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖ иккита махсус туристик — «Afsona» ва «Oriyent Silk Road Express» поездлари қатновини йўлга қўйди.**

Мамлакатимизда туризмни ривожлантириш ва темир йўл сайёҳлигини янада оммалаштириш мақсадида 2013 йил 11 апрелдан бошлаб Тошкент — Самарқанд — Қарши — Бухоро — Урганч йўналиши бўйлаб «Afsona» махсус туристик поезди қатнай бошлади. 3 майда эса Тошкент — Урганч — Тошкент йўналиши бўйлаб иккинчи ҳамда жорий йилнинг 31 майида юқоридаги йўналиш бўйлаб учинчи поезд қатнови йўлга қўйилди.

Шунингдек, 2013 йил сентябрь ойида Германиянинг «Lernudee Erlebnisreisen GmbH» компанияси буюртмасига асосан «Oriyent Silk Road Express» туристик поездининг Тошкент — Қамаши — Китоб — Бухоро — Урганч — Самарқанд — Тошкент йўналиши бўйича қатнови амалга оширилди.

**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири**
**Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ**
**ёзиб олди.**

ЭЪЛОН

## *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисида»ги 573-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги «Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуши моддий шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 409-сонли ҳамда 2002 йил 25 январдаги «Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастури тўғрисида»ги 33-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида:*

***Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги 1475-сонли Қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарори талаблари асосида, 2014-2015 ўқув йилида 1-синфга қабул қилинадиган ўқувчилар ва касаллиги туфайли якка тартибда уйда таълим олаётган ногирон болалар учун ўқув қуроллари, кам таъминланган оилаларнинг 1-9-синфларида ўқийдиган фарзандларига қишки кийим-бошлар харид қилиш учун очиқ тендер савдолари ўтказилишини эълон қилади.***

***Мазкур тендер савдолари очиқ турда ўтказилиб, унда мулкчилик шаклидан қатъи назар:***

1-синф ўқувчилари ҳамда якка тартибда уйда таълим оладиган ногирон болалар учун ўқув қуроллари ишлаб чиқариш ёки буюртмачига сифати ва баҳоси жиҳатидан маъқул тарзда етказиб бериш имкониятига эга барча кичик бизнес субъектлари — юридик шахслар;

кам таъминланган оилаларнинг 1-9-синф ўқувчилари учун қишки кийим-бошларни буюртмачига сифати ва баҳоси жиҳатидан маъқул тарзда ўзида ишлаб чиқариб етказиб бериш имкониятига эга барча юридик шахслар — шу жумладан, кичик бизнес субъектлари иштирок этишлари мумкин.

Бунда тендер савдоларида иштирок этиш истагини билдирган кичик бизнес субъектларига имтиёзлар қўлланилади.

Тендерда маҳсулотларни тегишли ҳажмларини етказиб бериш тажрибасига эга бўлган хорижий фирма ва ташкилотлар, ҳам республикамиздаги ишлаб чиқарувчи корхоналар(товар етказиб берувчилари) қатнашишлари мумкин.

Тендер савдоларида қуйидаги юридик шахслар иштирок эта олмайдилар:

тугатилиш, қайта ташкил этилиш ёки банкротлик ҳолатида бўлганлар;

ўз муддатида ва ўрнатилган тартибда саралаш босқичи учун керакли бўлган барча зарур ҳужжатларни тақдим этмаганлар;

Халқ таълими вазирлиги ва «Ўқув таълим-таъминот» Давлат унитар корхонаси билан аввал имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаганлар;

мазкур эълон нашр этилган санага қадар 6 (олти) ойдан кам муддат ичида ташкил топган корхона ва ташкилотлар;

Халқ таълими вазирлиги ва «Ўқув таълим-таъминот» ДУК билан суд ёки арбитраж жараёнларини бошдан кечираётганлар;

Тендер комиссиясининг тижорий ва молиявий талабларига жавоб бермайдиганлар;

ўқувчилар сумкаси ва қишки кийим-бошлар бўйича ўзининг ишлаб чиқаришига эга бўлмаганлар (мазкур маҳсулотлар бўйича ўз тендер таклифларини тақдим этувчилар учун).

Тендер таклифлари (конвертлар) очилгунига қадар, Тендер комиссияси ёки Тендер комиссияси топшириғига асосан Тендер комиссияси Ишчи органи томонидан тендер савдоларида иштирок этиш истагини билдирган корхона ва ташкилотлар саралаш босқичидан ўтказилади.

Бунда талабгорлар Тендер комиссиясининг Ишчи органига тендер таклифи билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тўпламини алоҳида (папкада) тақдим этишлари лозим:

маҳаллий статистика органлари томонидан талабгорнинг куртка, пойабзал, қалпоқ ва қўлқоп ҳамда ўқувчилар сумкаси бўйича ўзининг ишлаб чиқариш фаолияти мавжудлигини тасдиқловчи маълумотнома;

ходимлари сони ва талабгорнинг кичик ёки йирик бизнес субъектларига тегишлилиги тўғрисида давлат солиқ инспекциялари томонидан берилган маълумотнома;

маҳаллий хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш органларидан талабгор банкротлик ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;

маҳаллий Давлат рўйхатига олувчи органлардан талабгорнинг тугатилиш ёки қайта ташкил этилиш жараёнида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;

талабгорнинг юридик шахс сифатида Давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

Давлат солиқ инспекцияси ва талабгор ўртасида бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги мажбуриятлар бўйича ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган солиштирув — далолатномасининг (кенгайтирилган) асл нусхаси (мазкур ҳужжат эълон нашр этилган санадан кейинги ҳолатга тақдим этилиши лозим);

талабгорга хизмат кўрсатувчи банкнинг талабгорни ҳисоб-рақамларида картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлигини тасдиқловчи тегишли маълумотнома (мазкур ҳужжат эълон нашр этилган санадан кейинги ҳолатга тақдим этилиши лозим);

талабгорнинг Ишчи органига тендер таклифига мос маҳсулот намунасини тақдим этганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси;

талабгорнинг Тендер ҳужжатлари тўплами (китоби)ни сотиб олиш учун тўловини тасдиқловчи тўлов топшириқномаси асл нусхаси.

Давлат ташкилотлари томонидан саралаш босқичига тақдим этиш учун берилган ҳар бир маълумотномада талабгорнинг СТИРи кўрсатилган бўлиши шарт.

Саралаш босқичи тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги санасидан бошлаб 20 кун муддат ичида ўтказилиши кўзда тутилади.

Тендер комиссиясининг топшириғига асосан махсус тузилган Ишчи гуруҳи талабгорнинг тендер таклифини бажариш билан боғлиқ ишлаб чиқариш мавжудлиги, бинолари, технологик асбоб-ускуналар, ишлаб чиқариш қуввати ва талабгорларнинг бошқа кўрсаткичларини ўрганиб чиқади ва Тендер комиссиясига маълумот киритади.

Агарда тендерда республикамиздаги ишлаб чиқарувчи корхоналар билан бирга импорт товарлари етказиб берувчи хорижий корхоналар иштирок этганда, қонунчилик билан ўрнатилган тартибда республикамиздаги ишлаб чиқарувчи корхоналарга 20 фоизгача миқдорда нарх имтиёзлари берилади.

Тендер савдоларида ғолиб деб топилган корхона ва ташкилотлар «Ўқув таълим-таъминот» ДУК билан имзоланган шартномалар бўйича барча мажбуриятларини шартномада келишилган муддатлар ичида бажаришлари талаб этилади.

Тендер савдоларини ўтказиш жараёнлари ва тартиби ҳақида қўшимча маълумотни олиш истагида бўлган талабгорлар, Тендер комиссиясининг Ишчи органи ҳисобланган «Ўқув таълим-таъминот» ДУКга эълон нашр қилинган санадан бошлаб (ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларидан ташқари) ҳар куни соат 10:00дан 17:00га қадар қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

***Ишчи орган манзили:*** Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси, 3-берк кўча, 92-уй. ***Тел:*** (+99871) 267-01-83;
267-74-50; 267-28-70.
***Факс:*** (+99871) 267-71-16.

Бундан ташқари, мазкур тендер савдолари ҳақидаги маълумот Халқ таълими вазирлигининг www.uzedu.uz электрон сайтида чоп этилган.

### *ТЕНДЕР САВДОЛАРИДА ХАРИД ҚИЛИНАДИГАН МАҲСУЛОТЛАР МИҚДОРИ ВА УЛАРНИНГ ЭНГ ЮҚОРИ НАРХЛАРИ*

| Т/р | Харид қилинадиган маҳсулот номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Харид қилинадиган маҳсулотнинг энг юқори нархи (сўмда) |
|---|---|---|---|---|
| **1-синфга қабул қилинадиган ўқувчилар ҳамда касаллиги туфайли якка тартибда уйда таълим олувчи болалар учун бериладиган ўқув қуроллари** | | | | |
| 1 | Дафтар (12 варақ, оғирлиги 80 гр.) | дона | 7 401 954 | 210 |
| 2 | Акварель бўёқ (12 рангли) | пачка | 596 322 | 3784 |
| 3 | Пластилин (8 рангли, оғирлиги 160-200 гр) | пачка | 596 322 | 3400 |
| 4 | Рангли қалам (12 рангли, узунлиги 180 мм.дан кам бўлмаган) | пачка | 596 322 | 3100 |
| 5 | Оддий қалам ўчирғичли (узунлиги 190 мм) | дона | 1 203 200 | 242 |
| 6 | Пенал (сунъий чарм, капрон, капровинил ва плашевка материалларидан, ўлчами ва узунлиги 200 мм.дан кам бўлмаган) | дона | 596 322 | 3300 |
| 7 | Расм дафтари (12 варақ, оғирлиги 112-120гр) | дона | 632 059 | 950 |
| 8 | Рангли қоғоз тўплами (12 варақ, оғирлиги 80 гр) | тўплам | 615 822 | 850 |
| 9 | Ручка | дона | 632 059 | 225 |
| 10 | Ўчирғич (узунлиги 30-40 мм, эни 12-20 мм, қалинлиги 5-7 мм) | дона | 1 193 047 | 350 |
| 11 | Елим-қалам (оғирлиги 21 гр.дан кам бўлмаган) | дона | 601 600 | 950 |
| 12 | Ўқувчи сумкаси (ранец) | дона | 601 600 | 17500 |
| **Кам таъминланган оилаларнинг 1-9-синфларда ўқийдиган болалари учун қишки кийим-бошлар** | | | | |
| 1 | Болалар курткаси | дона | 231 321 | 29100 |
| 2 | Ўсмирлар курткаси | дона | 281 712 | 31500 |
| 1 | Болалар пойабзали | жуфт | 231 321 | 31200 |
| 2 | Ўсмирлар пойабзали | жуфт | 281 712 | 34500 |
| 1 | Болалар қалпоғи ва қўлқопи | комп. | 231 321 | 9100 |
| 2 | Ўсмирлар қалпоғи ва қўлқопи | комп. | 281 712 | 10300 |

**Тендер ҳужжатини сотиб олиш истагида бўлган талабгорлар Ишчи органининг қуйида келтирилган махсус ҳисоб-рақамига 500 000 (беш юз минг) сўм миқдорида қайта қопланмайдиган пул маблағларини пул ўтказиш йўли билан тўлаганларидан сўнг олишлари мумкин:**

***Ишчи орган банк реквизитлари:*** ҳисоб-рақами № 2021 0000 7001 0156 1002 АТИБ «Ипотека» банки, Меҳнат бўлими, МФО: 00423 ИНН 200524742, ОКОНХ 51520.

Барча тендер таклифлари Тендер ҳужжатининг 12.1-бандига мувофиқ, тендер таклифи суммасидан 3 (уч) фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат суммаси билан бириктирилган бўлиши шарт. Закалат суммаси ҳар бир маҳсулот тури бўйича алоҳида, шунингдек, тендер таклифларини топширишнинг охирги кунигача ўтказилган бўлиши талаб қилинади (Барча тўловлар сўмда амалга оширилади).

Закалат суммаси билан бириктирилмаган тендер таклифлари Тендер комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Тендер таклифлари 2014 йил 28 январь соат 15:00 дан кечиктирилмаган ҳолда юқорида кўрсатилган манзил бўйича Ишчи органига тақдим этилиши лозим (шанба ва якшанба кунларидан ташқари).

Тендер таклифлари (конвертлар)нинг очилиши Тендер комиссияси томонидан аниқланган жойда ва санада амалга оширилади. Бу ҳақида талабгорга Тендер комиссиясининг Ишчи органи томонидан қўшимча хабар қилинади.

Тендер таклифлари (конвертлар) очилишида талабгорлар вакиллари иштирок этишлари мумкин.

БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ | *Жами 2 миллиард 786 миллион сўм маблағ сарфланди...*

# Чироқчининг мусиқа ва санъат кошонаси



**Қиш ҳавоси ўзгарувчан. Арча ва бошқа дарахтлар қуршовидаги муҳташам бино сари ошиқаётган болаларга эргашдик.**

Улар мактаб ўқувчилари Зарифа Тоштемирова ҳамда Юлдуз Ҳусановалар экан. «Рақсга қизиқамиз, машғулотга келаяпмиз», дейди қизлар.

Чироқчи шаҳри марказидаги катта йўл ёқаси. Унинг бош кўчасини вилоятга раҳбарлик қилган пайтида Юртбошимиз қурдирган. Янги бино марказий кўчадан чамаси йигирма метрлар ичкарида — эски санъат саройи ёнида қад кўтарган. Дастлаб кўз ташлаган киши бундай муҳташам санъат саройи нафақат Чироқчида, балки вилоятда ҳам ягона бўлса керак, деб ўйлайди.

Лойиҳа ўзига хос. Рўпарадан баландлиги саккиз-тўққиз метрлик фойега кирилади. Бино пештоқига арфа (чилтор) тасвири ишланганлиги санъат ошёни эканлигига ишора. Қўш табақали эшикдан ичкари кирамиз. Қурилиш ниҳоясига етган. Унга жами 2 миллиард 786 миллион сўм маблағ сарфланибди. Бош пудратчи — «Бинокор-2» фирмасининг раҳбари, тажрибали қурувчи Саъдулло Ҳасанов бизни қарши олиб, қурилиш ҳақида гап очади.

— Ташкилотимизда 115 киши меҳнат қилади, — дейди у. — Улар орасида ғишт териш, сувоқчилик, электр пайвандчилик каби касбларни яхши эгаллаган ёшлар кўп. Ўнта техникамиз бор. Мазкур санъат мактаби биз амалга оширган энг йирик қурилишдир. Ўзимизнинг блок ғишт ишлаб чиқарадиган цехимиз бор, пластмасса эшик-деразаларни ҳам ўз усталаримиз ясашди. Жами 200 ўринли ўқувчига мўлжалланган бинода барча қулайликлар яратилган.

— Муҳтарам Президентимиз Бош қомусимиз қабул қилинган кунга 21 йил тўлиши муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишда ўтган 2013 йилда мамлакатимизда кўплаб санъат мактаблари, болалар спорти иншоотлари қурилганлигини алоҳида таъкидлади, — дейди **мусиқа ва санъат мактаби директори Улуғбек Жалолов.** — Мактабимиз ўтган асрнинг етмишинчи йилларида ташкил топган бўлса-да, доимий биноси йўқ эди. Ўтган давр ичида уёқдан буёққа кўчиб юрарди. Мана, барча замонавий шароитларга эга бўлдик. Туман мактабларида таълим олаётган санъатга меҳр қўйган ўқувчилар бизда машғулот ўтказади. Бу ерда ёшлар анъанавий хонандалик, халқ чолғу асбоблари, тасвирий санъат ва бошқа йўналишларда таълим олишади.

Директор билан бирга учинчи қаватга кўтариламиз. Синфхоналардан бирида ўқувчилар чизган суратлардан намуналар қўйилган экан. Улар бола дунёси ва орзулари тасвирлари. Бошқа хонада миллий мусиқа ва доира жўрлигида қўшиқ куйлаётган ёш санъаткорлар овози кўнгилга хуш келади. Қашқар рубобида куй чалишни ўргатаётган муаллим Отабек Очилов ўқувчиси Даврон Шербобоевнинг қобилияти ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қилади. Ҳозир 3-синфда таълим олаётган Даврон бобоси санъатга қизиқишини, унинг таклифи ва тавсияси билан бу ерга келганини айтиб беради.

Даврон устози далдаси билан рубобини черта бошлайди. Шўх куй таралади. Маҳобатли бино деразасидан узоқларга боқаман, туманнинг чек-чегараси кўзга ташланмайдиган яйловлари, лалми буғдойзорлари кўз олдимдан ўта бошлайди.

Айтишларича, қадимда одамлари карвон йўлига чироқ кўтариб чиққанлари учун бу ерни Чироқчи деб атай бошлашган экан. Бугун Чироқчининг чироқлари янада чарақламоқда...

**Юнус УЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**





## Таассуротлар ва янги ниятлар

**Руслан НУРУДИНОВ,**
*оғир атлетика бўйича жаҳон чемпиони, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби:*



— 2013 йил ҳаётимда бир умр унутилмас бўлиб қолади. Дастлаб баҳорда Қозоғистонда ўтган қитъа чемпионатида олтин медалга сазовор бўлдим. Сўнгра Қозон шаҳрида ўтказилган Бутунжаҳон универсиадасида икки рекордни янгилаб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олдим.

Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллик байрами арафасида Президентимиз Фармонига кўра, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвони билан тақдирландим. Бу мукофот кучимга янада куч қўшди. Орадан кўп ўтмай, аниқроғи, 20-27 октябрь кунлари Польшанинг Вроцлав шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида 105 кг вазн тоифасида жаҳон чемпиони бўлдим. Жаҳон чемпионатидан қайтгач, Юртбошимиз фармони билан «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони билан тақдирландим.

Бундай юксак эътибор ва ғамхўрликдан кўнглим тоғдек кўтарилди. Келгусида ҳам халқимиз ва Президентимизнинг ишончини оқлашга, янада катта ғалабаларга эришишга ҳаракат қиламан.

Янги йилда бизни жиддий синовлар кутиб турибди. 2014 йилнинг сентябрь ойида Остана шаҳрида саксон биринчи жаҳон чемпионати, сўнгра бир ой ўтиб, Инчеон (Жанубий Корея)да бўладиган ёзги Осиё ўйинларида иштирок этаман. Ана шу нуфузли мусобақаларда ҳам муносиб қатнашиб, юртимиз байроғини баланд кўтаришни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман. Кейин эса ёзги Олимпия ўйинларига тайёргарлик бошланади.


РЕКЛАМА ЎРНИДА | *Ажратилган кредитлар эвазига 11 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди.*

## «ИПОТЕКА-БАНК»

# Кредитлари аҳоли бандлиги ва фаровонлигига хизмат қилмоқда

IPOTEKA BANK

**Аҳолини иш билан таъминлаш, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун муқим иш ўринлари яратиш бугунги ўта долзарб вазифа бўлиб турибди. Мамлакатимиз банклари томонидан ажратилаётган кредитлар замирида ҳам ишлаб чиқаришни ривожлантириб, янги иш ўринлари яратиш масаласи мужассамдир. Ўтган 2013 йилда «Ипотека» АТИБ томонидан ана шу мақсадлар учун жами 1536,0 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди.**














Барча молиялаш манбалари ҳисобидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 505 миллиард сўмдан зиёд миқдордаги кредит маблағлари йўналтирилди. Бу ўтган йилга нисбатан 131 фоизга кўп демакдир. Ажратилган кредитлар самараси ўлароқ 11 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди.

Тадбиркорлик субъектларига жами 122 миллиард сўмдан зиёд микрокредитлар йўналтирилиб, шундан 7,5 миллиард сўми ёш оилаларга берилди. Ўз ишларини бошламоқчи бўлган аёлларни қўллаб-қувватлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш юзасидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Чунончи аёл тадбиркорларга 53 миллиард сўм, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига эса ўз ишларини бошлашлари учун 8,7 миллиард сўм миқдоридаги кредит маблағлари ажратилди.

Шунингдек, банкнинг имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига 6 миллиард сўмдан зиёд кредит маблағлари йўналтирилди. Бунда республикамизнинг олис ва бориш қийин бўлган ҳамда меҳнат ресурслари ортиқча бўлган туманларидаги тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Уч ярим миллиард сўм миқдоридаги имтиёзли кредит ушбу тумандардаги 78 та тадбиркорлик субъектининг лойиҳаларини молиялаштиришга ажратилди.



Бундай лойиҳаларнинг қанчалик самарали ва аҳамиятли эканлигига оид айрим мисолларни келтириб ўтиш жоиз. Масалан, Каттақўрғон туманидаги «Маржона Ҳакимжон» масъулияти чекланган жамиятига алюмин эшик ва ромлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида 58 миллион сўм миқдоридаги кредит ҳисобига янги иш ўринлари яратилди.

Шу тумандаги «Маҳлиё текстиль» МЧЖда тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун берилган юз миллион сўм миқдоридаги кредит ҳисобига 20 та иш ўрни ташкил этилди. Молиявий кўмак туфайли йилига 260 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Коллеж битирувчиси Тойир Саид ўғли Отақулов аҳолига электр ўлчагичларни таъмирлаш ва қиёсловдан ўтказиш хизматларини кўрсатиш мақсадида «Conserve Energy» корхонасини ташкил этиб, зарур асбоб-ускуналарни сотиб олиш учун имтиёзли шартларда 20 миллион сўм миқдорида кредит маблағларини олди. Аҳолига хизмат кўрсатиш билан бир чоғда коллеж битирувчилари ҳам иш билан таъминлади. Шунингдек, банкнинг молиявий кўмагида «Kima Aida Servise» МЧЖ тикувчилик, сартарошлик, аёллар салони, компьютер, уяли алоқа абонентларига пул маблағлари ўтказиш ва бошқа хизмат турлари жорий этилди. 10 та янги иш ўрни яратилди.

Молиявий муассаса томонидан «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида аҳоли, шу жумладан, ёш оилалар учун кўп қаватли уйлар қурилишини молиялаштиришга алоҳида аҳамият берилди. Чунончи жами 925 та хонадондан иборат 25 та кўп қаватли уй қурилишини молиялаштириш учун 77,9 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари йўналтирилди. Ўтган йилда молиялаштирилиши бошланган кўп қаватли уйларнинг 15 таси фойдаланишга тўлиқ топширилди ва натижада 553 та оила умумий майдони 61910,42 кв.м бўлган турар-жойга эга бўлди.

Аҳолига, шу жумладан, ёш оилаларга уй-жой сотиб олишлари учун ипотека кредитлари йўналтириш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. 1485 та оилага ажратилган 96 миллиард сўмдан зиёд кредит маблағларидан ўттиз миллиард сўмдан кўпроғи 425 та ёш оилага берилди. Аҳолининг уй-жой сотиб олишга бўлган эҳтиёжини имкон қадар қондириш мақсадида хорижий кредит линияларини жалб қилиш борасида амалга оширилган ишлар натижасида Германиянинг «ҚФВ» тараққиёт банкининг 5 миллион евро миқдоридаги кредит линияси жалб қилинди. Ушбу маблағ ҳисобига 326 та жисмоний шахс уй-жой сотиб олиш имконига эга бўлди.

Шунингдек, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги 620 та уй-жой қурилишини молиялаштириш ва сотиб олиш учун имтиёзли шартларда 43,3 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари йўналтирилди.

Ҳудудий дастурлар доирасида саноат йўналишидаги 330 та саноат лойиҳаси амалга оширилди. Мазкур саноат лойиҳалари ҳисобига тўрт минг бир юз йигирма тўққизта иш ўрни яратилди. Бу борадаги ишлар ва тўпланган тажрибадан келиб чиққан ҳолда янги, 2014 йил ҳудудий дастурларида ўз иштирокини кенгайтириш, жумладан, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида «Ипотека-банк» томонидан аниқ мақсадли дастур ишлаб чиқилди.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда ўтган йилда янги иш ўринларини яратиш, аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш йўлида амалга оширилган катта ишларда «Ипотека-банк» жамоасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Бу борадаги эзгу ишлар янги 2014 йилда ҳам давом этади.

**Жўрабек ЗУЛФИҚОРОВ,**
**«Ипотека» АТИБ Кредитлаш департаменти директори.**


**ОБ-ҲАВО** *04-05 — 01. 2014*

*Юртимиз бўйлаб (°С)*

| | | |
|---|---|---|
| *Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти* | -3 / -8 | -2 / +3 |
| *Бухоро ва Навоий вилоятлари* | 0 / -5 | -2 / +3 |
| *Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари* | -3 / -8 | -1 / +4 |
| *Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари* | -3 / +2 | +1 / +6 |
| *Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари* | -3 / -8 | -1 / +4 |
| *Тошкент шаҳри* | -4 / -6 | 0 / +2 |

*Дунё бўйлаб (°С)*

| | |
|---|---|
| *Лондон* | +8 / +8 |
| *Париж* | +11 / +7 |
| *Москва* | -3 / +2 |
| *Мадрид* | +10 / +8 |
| *Пекин* | +5 / +7 |
| *Канберра* | +27 / +28 |
| *Рим* | +15 / +14 |
| *Афина* | +10 / +14 |
| *Токио* | +10 / +6 |
| *Стокгольм* | +6 / +4 |
| *Кейптаун* | +28 / +27 |
| *Қоҳира* | +18 / +18 |
| *Гавана* | +26 / +26 |
| *Вашингтон* | 0 / +10 |

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Воҳид Расуловга онаси
**Зуҳро РАСУЛОВА**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ХДП Хоразм вилояти кенгаши Хонқа туман партия кенгаши раиси Аҳмаджон Ваисовга онаси
**Сапура ВАИСОВА**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


**MUASSIS:**
O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**



**TAHRIR HAY’ATI:**

Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug‘bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Ulug‘bek MUSTAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o‘rinbosari), Tat’yana KISTANOVA (Bosh muharrir o‘rinbosari)



**BO‘LIMLAR:**
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13;
Madaniyat va ma’naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ‘ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e’lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83.

**MANZILIMIZ:** 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko‘chasi, 32-uy.

*Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.*

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

**Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.**


«O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.


e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 160
*21166 nusxada bosildi.*

*Nashr ko`rsatkichi – 220*
*t — Tijorat materiallari*
O‘zA yakuni — 20.40
Topshirilgan vaqti — 23.20

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: **Toshtemir XUDOYQULOV**
Sahifalovchi-dasturchilar: **Sobirjon TUNG‘ATOV, Zafar BAKIROV**

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5